

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФИЗИКА-
МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.FM.106.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

СУЛТОНОВ РАВШАНЖОН РУСТАМОВИЧ

**ПЬЕЗОЭЛЕКТРИКЛАРДА ЁРУҒЛИКНИНГ НОЧИЗИҚЛИ
ЮТИЛИШИ, ИККИ ФОТОНЛИ БАЛЛИСТИК ТОҚ ВА ЎЛЧАМЛИ
КВАНТЛАШИШ**

01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2020

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
physical and mathematical sciences**

Султонов Равшанжон Рустамович

Пьезоэлектрикларда ёруғликнинг нозиклиги ютилиши, икки
фотонли баллистик ток ва ўлчамли квантлашиш..... 3

Султонов Равшанжон Рустамович

Нелинейное поглощение света, двухфотонный баллистический
ток и размерное квантование в пьезоэлектриках..... 22

Sultonov Ravshanjon Rustamovich

Nonlinear absorption of light, two photonic ballistic current and
dimensional quantation in piezoelectrics..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 48

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФИЗИКА -
МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.FM.106.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

СУЛТОНОВ РАВШАНЖОН РУСТАМОВИЧ

**ПЬЕЗОЭЛЕКТРИКЛАРДА ЁРУҒЛИКНИНГ НОЧИЗИҚЛИ
ЮТИЛИШИ, ИККИ ФОТОНЛИ БАЛЛИСТИК ТОҚ ВА ЎЛЧАМЛИ
КВАНТЛАШИШ**

01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2020

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/FM487** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Кўкон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ferpi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Расулов Воҳоб Рустамович физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Расмий оппонентлар:	Аюханов Рашид Ахметович физика-математика фанлари доктори. Султонов Номонжон Акрамович физика-математика фанлари доктори, профессор.
Етакчи ташкилот:	И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси PhD.03/27.02.2020.FM.106.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2020 йил «6» кўк.б.р.б соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150107, Ўзбекистон, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-уй. Тел.: (99873) 241-13-03. Факс: (99873) 241-12-06; e-mail: ferpi_info@edu.uz, Фарғона политехника институти мажлислар зали).


Диссертация билан Фарғона политехника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (0001-A рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150107, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-уй. Тел.: (99873) 241-13-03).

Диссертация автореферати 2020 йил «24» окт.б.р.б куни тарқатилди.
(2020 йил «24» окт.б.р.б даги PhD/FM-01 рақамли реєстр баённомаси)




Н.Х.Юлдашев
Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи
Илмий Кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор


Б.З.Полвонов
Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи
Илмий Кенгаш котиби, физика математика
фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент


Р.Я.Расулов
Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи
Илмий Кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда ҳажмий ва паст ўлчамли қаттиқ жисмлар электроникаси, хусусан, наноэлектрониканинг жадал суръатлар билан ривожланишида пьезоэлектрик кристаллар – пьезокристаллар муҳим ўрин эгаллайди. Бу ҳол қутбланган ёруғликнинг ютилишида электрон ва коваклар спинлари ҳамда импульсларининг тизгинлашиши билан тавсифланувчи ток ташувчиларнинг номувозанат ҳолатга ўтиши ҳисобига квазизарралар ва улар спинларининг ноҳолдан фарқли оқимлари содир бўлиши билан боғланган. Мувозанат ҳолатга релаксацияланишда иштирок этадиган бундай кинетик жараёнлар уч ва паст ўлчамли яримўтказгичлардан тайёрланган қурилмаларда содир бўладиган оптик ҳодисаларда ўз аксини топади.

Қаттиқ жисмлар технологияси параметр ва хоссалари аввалдан танланган пьезокристаллардан фойдаланган ҳолда ҳозирги замон қурилмаларини яратиш имкониятини яратмоқда. Хусусан, симметрия маркази бўлмаган муҳитларда кузатилган қутбий фототок тадқиқотларидан голографияда маълумотларни нафақат ёруғликнинг интенсивлигига кўра, балки ёруғликнинг қутбланиш даражасига нисбатан ҳам ёзиш имкониятини яратди. Бу борадаги муваффақиятлар яримўтказгичли фотоника соҳасига кўшимча, сезиларли туртки берди. Айни пайтда оптоэлектроника ва фотоника соҳаларидаги асосий масалалардан бири пьезокристаллар ва уларнинг наноструктураларидаги ток ташувчилар билан қутбланган ёруғликнинг ўзаро таъсирини тадқиқ қилишдир. Шу сабабли бундай тадқиқотлар наноэлектроника, фотоника ва спинтроникада нафақат янги йўналишларни очади, балки фундаментал илмий тадқиқот олиб бориш имкониятини ҳам яратади. Шунинг учун ҳажмий ва ўлчамли квантлашган мураккаб зонали яримўтказгичлардаги қутбланган ёруғлик таъсиридаги кинетик ҳодисаларни тадқиқ этиш актуал бўлиб, диссертацияда қўйилган муаммоларни ҳал этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида илм-фан соҳасидаги устувор йўналишларда, жумладан, «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш»да икки ва уч ўлчамли яримўтказгичлар ва уларнинг структураларида содир бўладиган ёруғликнинг қутбланишига боғланган оптик ва фотонли кинетик ҳодисаларни ўрганиш бўйича муҳим натижалар олинди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига кўра, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг эффектив механизмларини яратиш масалаларига оид муаммоларни ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, жумладан, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 17 июлидаги ПҚ-3855-сон

«Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 6 августдаги ПҚ-3899-сон «Илмий ва инновацион фаолиятни интеграциялаш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари талабларига мос тушади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши Республика фан ва технологиялар тараққиётининг “Ш. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳажмий қаттиқ жисм ва уларнинг ўлчамли квантлашган структураларида кутбий оптик ва ФГЭлар тўғрисида тадқиқотлар жаҳоннинг илғор мамлакатлари илмий тадқиқот марказлари ва университетларида олиб борилмоқда. Хусусан, А.М.Гласс (АҚШ) ва В.М.Фридкин (Москва, Россия) томонидан бир жинсли сегнетоэлектрикларда ФГЭ экспериментал тадқиқ этилиб, намуна бир жинсли кутбланган ёруғлик билан ёритилганида, аномал катта стационар фотокучланиш бир неча соат кузатилган. Бундай ҳодисалар тажрибада К.Х.Херман (Германия) ва А.Ф.Гибсон (АҚШ) *GaP* да, А.А.Рогачев (Санкт-Петербург, Россия) теллурда, Ж.М.Довиак ва С.Котари (АҚШ), С.Д.Ганичев (Регензбург, Германия), А.В.Андрианов ва И.Д.Ярошецкий (Санкт-Петербург, Россия) *p-GaAs* да кузатишган.

Россия ФАнинг академиги Ю.В.Копяев, мухбир аъзолари Е.Л.Ивченко, М.М.Глазов, профессорлар Г.Е.Пикус, Н.С.Аверкиев, Л.Е.Голуб, С.А.Тарасенко (Санкт-Петербург, Россия) ва В.И.Белиничер, И.Д.Стурман, Л.И.Магарилл, М.В.Энтин (Новосибирск, Россия) раҳбарлик қилган бир гуруҳ олимлар томонидан циркуляр ва чизиқли ҳамда спин боғланган ФГЭлар механизмлари ҳажмий ва паст ўлчамли қаттиқ жисм ва сегнетоэлектрикларда назарий ўрганилган. ФотоЭЮК симметрия маркази бўлмаган бир жинсли муҳитлардаги ток ташувчиларнинг фонлар, фотонлар ёки киришмаларда сочилиш актининг асимметрияси билан боғланганлиги тадқиқ этилган.

Шунинг билан бир қаторда пьезоэлектрик зонавий тузилишининг мураккаблиги ҳамда ёруғлик кутбланиш ҳолатига боғлиқ бўлган оптик ва фотогальваник эффект механизмлари, баллистик чизиқли фотогальваник эффектнинг икки фотонли оптик ўтишларга ва кристалл зонасининг ўзига хослигига боғлиқ механизмлари, пьезоэлектрик кристалларда ёруғликнинг нозизиқли ютилиши ва уларга мос чизиқли циркуляр дихроизм каби эффектларнинг микроскопик назарияси ўрганилмаган. Шунинг учун бу йўналишда синчковлик билан илмий изланишлар олиб бориш талаб этилади ва бундай масалалар ушбу диссертацияда назарий тадқиқ этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ОТ-Ф2 (Физика ва астрономия) тартиб рақамли «Яримўтказгичлар ва уларнинг ўлчамли квантлашган ўраларида кутбий оптик самаралар» мавзусидаги (2007-2011 йй.), Ўзбекистон Республикаси ФА Президиуми қошидаги фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш фондининг (ФПФИ) 79-06 тартиб рақамли «Яримўтказгичлар ва яримўтказгичли наноструктураларнинг кутбланишган фотонлар иштирокидаги кинетик хоссаларининг назарий тадқиқи» мавзусидаги (2006-2010 йй.) фундаментал тадқиқот грантлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пьезокристалларда кутбланишган ёруғлик таъсирида содир бўлувчи икки ва уч фотонли оптик ва чизиқли фотогальваник эффектларнинг механизмларини, шунингдек, спин боғланган ўлчамли квантлашишни тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мураккаб зонали пьезокристалларда кўп фотонли оптик ҳамда баллистик ФГЭларнинг механизмларини тадқиқ қилиш;

пьезокристалларда электронларнинг фонларда асимметриявий сочилишига боғлиқ ҳолда икки фотонли баллистик чизиқли ФГЭнинг механизмларини тадқиқ қилиш;

пьезокристалларда кутбий боғлиқ фототокнинг спектрал ёки температуравий боғланишларига нисбатан назарий ҳисобланган натижаларни тажриба натижалари билан солиштириш;

пьезокристалларда электронлар энергетик спектрининг спинга боғлиқ ўлчамли квантлашишини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида икки ва уч ўлчамли ковак ўтказувчанликли куб симметрияли пьезояримўтказгичлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети пьезокристалларда ёруғликнинг кутбланиш ҳолатига боғлиқ фотонли кинетик жараёнлар: уч ва тўрт фотонли ютилишнинг чизиқли циркуляр дихроизм ҳамда икки фотонли баллистик ФГЭлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот масалаларини ҳал этишда қаттиқ жисмлар назарияси ва физикавий кинетиканинг ҳисоблаш методлари: Келдишнинг диаграммалар техникаси, ташиш матрицалари назарияси ва зичлик матрицаси, кўзғалишлар назарияси, квант механикасининг олтин қоидаси, Больцманнинг кинетик тенгламасидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк марта тетраэдр симметрияли пьезокристалларда бир вақтда уч фотонли ютилишни эътиборга олган ҳолда куб симметрияли пьезокристалларда уч ва тўрт фотонли чизиқли циркуляр дихроизмининг спектрал боғланиши, ёруғлик икки ва уч фотонли ютилиш коэффициентининг спектрал ва температуравий боғланишлари ҳисобланган;

илк марта бир вақтнинг ўзида икки фотонли ютилишни эътиборга олган ҳолда Келдишнинг диаграммалар техникаси асосида пьезокристалларда икки фотонли чизиқли фотогальваник эффектнинг баллистик механизми яратилган;

икки фотонли баллистик ток ковакларининг эффектив гамильтонианида тўлқин векторга нисбатан чизиқли, квадратик ва кубинчи ҳадлар эътиборга олинганида содир бўлиши исботланган;

пьезокристалларда спин боғланган ўлчамли квантлашишни эътиборга олган ҳолда ток ташувчилар энергетик спектри ҳисобланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

икки фотонли оптик ва фотогальваник эффектлар натижаларини татбиқ этиш билан ахборотларни голографик ёзиш, хотирада сақлаш ва қайта ишлаш қурилмалари, оптоэлектрон системаларнинг оптик хусусиятлари оптималлаштирилган;

кўп қатламли пьезокристалларда ўлчамли квантлашиш ва тунелланишнинг ҳисоблаш усуллари пьезокристаллардаги паст ўлчамли электронлар тизимига қўлланилган;

физикавий кинетиканинг фотонли кинетик эффектлар бўйича олиб бориладиган экспериментал натижалар интерпретацияларининг асоси бўлган паст ўлчамли ток ташувчилар системасида ва инверсия маркази бўлмаган кристаллардаги ҳисоблаш усуллари ривожлантирилган.

Олинган натижаларнинг ишончилиги олинган ҳисоблаш натижаларининг фотогальваника соҳасидаги етакчи мутахассислар томонидан бажарилган тажриба натижаларига мос тушиши, квант статистик физика ва физикавий кинетиканинг ҳисоблаш методларидан фойдаланилган математик ҳисоблашларнинг қатъийлиги, номувозанатдаги электронлар системаси учун қаттиқ жисмлар назариясидаги диаграммалар техникасидан фойдаланилганлиги, текшириш объектининг тўғри танланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти пьезокристалларда ёруғликнинг кўп фотонли ютилиш коэффициентининг ҳамда икки фотонли баллистик чизиқли фотогальваник эффект токининг қутбий, спектрал ва температуравий боғланишлари, шунингдек, ўлчамли квантлашган пьезокристалларнинг электрон хоссалари ҳақида янги маълумотлар беришда ўз ифодасини топади.

Ишнинг амалий аҳамияти оптик ва фотогальваник эффектлар қўлланилган қутбланган нурланиш регистрациясининг частотали диапазонини орттириш ва регистрацияни нафақат ёруғликнинг интенсивлигига нисбатан, балки унинг қутбланишига нисбатан ҳам олиб бориш мумкинлигида ўз ифодасини топади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пьезокристалларда ёруғликнинг ночизиқли ютилиши, икки фотонли баллистик ток ҳамда ўлчамли квантлашиш эффектини тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

ҳажмий пьезокристал ҳамда ўлчамли квантлашган структураларда содир бўладиган ва ёруғликнинг кутбланиш ҳолатига боғлиқ бўлган оптик ва фотоэлектрик ҳодисалар соҳасида олиб борилган тадқиқот натижалари ОТ-Ф2-71 «Ўта юқори частотали электромагнит майдондаги деформацияланган р-п ўтиш вольт-ампер характеристикасига ёруғликнинг таъсирини тадқиқ қилиш» мавзусидаги грант лойиҳасида пьезокристалл пардалардаги ток ташувчилар оқимиغا электромагнит тўлқинларнинг таъсирини тушунтиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 июлдаги 89-03-2653-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш электромагнит майдон таъсиридаги пьезокристалли пардаларда ток ташишнинг физикавий хусусиятларини тушунтириш имконини берган;

пьезокристалларда кутбланган ёруғликнинг бир ва икки фотонли ночизикли ютилиши бўйича олинган ҳисоблаш натижалари Ф2-ОТ-О-1594 рақамли «Экситонларни, поляронларни ва биполяронларни ва кўчиш ҳодисаларини тадқиқ этиш асосида нурлатгичлар, фотоэлементлар ва бошқа турдаги оптоэлектрон асбобларнинг самарадорлигини яхшилаш» мавзусидаги грант лойиҳасида пьезокристалли фотоэлектрик нурлатгичларда рухсат этилган ва тақиқланган оптик ўтишларни тадқиқ қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 июлдаги 89-03-2653-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш пьезокристалларда полярон ва биполярон иштирок этганда электронлар ўтишларини тушунтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 5 та халқаро ва 4 та Республика миқёсидаги илмий конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 9 та мақола, шундан 7 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Мазкур диссертация мураккаб зонали пьезокристалларда ёруғликнинг кутбланиш даражасига боғлиқ бўлган кўп фотонли оптик ва фотовольтаик эффектларни, шунингдек, ток ташувчилар энергетик спектрининг спин боғланган ўлчамли квантлашишини тадқиқ қилишга бағишланган.

Кириш қисмида диссертация мавзусининг актуаллиги ва зарурати асосланган, олиб борилган илмий тадқиқотларнинг Ўзбекистон фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги қайд

қилинган, мавзу бўйича хорижий ва республикамизда олиб борилган илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил қилинган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, текшириш предмети ва объекти келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти ҳамда уларнинг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг структураси бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Пьезокристалларда кутбий оптик ва фотогальваник эффектлар”** деб номланган биринчи бобида симметрия маркази бўлмаган пьезокристалларда оптик ва фотогальваник эффектларнинг ҳолати ва ривожланиши уларнинг опто- ва фотоэлектроника, шунингдек, маълумотларни голографиявий ёзишда қўлланишига эътибор қаратган ҳолда муҳокама қилинган.

Паст ўлчамли ва ҳажмий яримўтказгичли кристаллар, графен, топологик изолятор ва Вейл полуметалларда улар стационар бир жинсли ёритилганида содир бўладиган кутбий ва спин боғланган бир ва икки фотонли фотогальваник эффектларни тадқиқ этиш ҳолатлари таҳлил қилинган.

Пьезокристалларда ёруғликнинг бир ва икки фотонли ютилишида кутбий боғланган фототокнинг феноменологиявий интерпретацияси берилган. Хусусан, фотонли эргаштириш эффекти квант механикавий назариясида ток ташувчиларга фотонлар импульси ва бурчакли моментининг бир вақтда узатилиши ҳақида гап боради, классик назарияда эса бу эффект ток ташувчилар ёруғлик тўлқинининг электр ва магнит майдони бир вақтда таъсир этиши билан аниқланувчи Лоренц кучининг таъсирида содир бўладиган оқими билан тушунтирилади.

Кутбий боғланган фотогальваник эффектнинг физикавий табиати қатор ўзига хосликларга эгадир. Улардан бири инверсия маркази бўлмаган пьезокристалларда айнан мувозанат принципи бажарилмайди, чунки улар фазовий ва вақтга нисбатан мавжуд симметрияларни тасвирлай олмайди.

Айнан мувозанат принципининг бузилиши электронлар сочилишида кристалларнинг кинетик хоссаларини сезиларли ўзгартирувчи асимметрияни юзага келтиради ва ихтиёрий номувозанатли стационар ҳолатда электр тоқининг содир бўлишига имконият яратади.

Агар бу номувозанатли ҳолат ёритилиш туфайли содир бўлса, у ҳолда йўналиши ёруғликнинг кутбланишига ва кристаллнинг симметриясига боғлиқ бўлган фотогальваник ток ҳосил бўлади.

Ёруғлик интенсивлиги (I)нинг квадратига боғлиқ фототокни қуйидаги кўринишда қайд қиламиз:

$$j_{\alpha}^{(2)} = I^2 \left[A_{\alpha\beta\gamma\mu\nu} \frac{e_{\beta} e_{\gamma}^* + e_{\beta}^* e_{\gamma}}{2} \frac{e_{\mu} e_{\nu}^* + e_{\mu}^* e_{\nu}}{2} + i B_{\alpha\beta\gamma\lambda} (\vec{e} \times \vec{e}^*)_{\lambda} \frac{e_{\beta} e_{\gamma}^* + e_{\beta}^* e_{\gamma}}{2} + C_{\alpha\beta\gamma} (\vec{e} \times \vec{e}^*)_{\beta} (\vec{e} \times \vec{e}^*)_{\gamma} \right], \quad (1)$$


Бу ерда \vec{e} – электромагнит тўлқиннинг қутбланиш вектори ва симметриявий $(e_\beta e_\gamma^* + e_\gamma e_\beta^*)/2$ ва антисимметриявий $(e_\beta e_\gamma^* - e_\gamma e_\beta^*)/2$ кўпайтмаларнинг бири-бирига боғлиқ бўлмаган тасаввурларга кўра шакл алмаштирилиши эътиборга олинган. $[e_m e_n^*]$, $i(\vec{e}^* \times \vec{e})$ катталиклар ва стационар ток $\vec{j}^{(2)}$ ҳақиқийдир, шунинг учун (1)даги $A_{\alpha\beta\gamma\mu\nu}$, $B_{\alpha\beta\gamma\lambda}$, $C_{\alpha\beta\gamma}$ тензорлар ҳам ҳақиқийдир. Учинчи ранг тензор $C_{\alpha\beta\gamma}$ β ва γ бўйича симметриявий бўлиб, симметриявий хоссаларига кўра пьезотензорга айнийдир. Шунинг учун $C_{\alpha\beta\gamma}$ тензор бешинчи ранг $A_{\alpha\beta\gamma\mu\nu}$ тензор каби симметрия маркази бўлмаган кристалларда нолдан фарқли компоненталарга эга. $B_{\alpha\beta\gamma\lambda}$ тензор ихтиёрий симметрияли кристалларда, шунингдек, симметрия маркази бўлмаган кристалларда нолдан фарқли компоненталарга эга бўлади.

(1)нинг учинчи ҳади билан боғланган фототок эллиптик қутбланган ёруғлик учун нолдан фарқли бўлиб, у чизиқли қутбланган ёки қутбланмаган ёруғлик билан ёритилганда ҳосил бўлмайди. Шу сабабли $B_{\alpha\beta\gamma\lambda}$ тензор билан ифодаланувчи эффектни мос ҳолда икки фотонли циркуляр фотогальваник эффект деб номланади. $A_{\alpha\beta\gamma\mu\nu}$ тензор билан ифодаланувчи эффект, одатда, чизиқли қутбланган ёруғлик таъсирида кузатилади ва уни мос ҳолда икки фотонли чизиқли фотогальваник эффект деб аталади.

(1)нинг иккинчи ҳади билан боғланган фототок бир вақтнинг ўзида эллиптик ва чизиқли қутбланган ёруғлик билан ёритилганида нолдан фарқлидир. Умумий фототокка бериладиган ана шу улушлар билан икки фотонли фотогальваник эффект бир фотонлидан фарқ қилади. $A_{\alpha\beta\gamma\mu\nu}$, $B_{\alpha\beta\gamma\lambda}$, $C_{\alpha\beta\gamma}$ тензорларнинг вақт инверсияси операциясига нисбатан симметриявий хоссаларига кўра эффектнинг диссипатив жараёнларга боғланганлиги ёки боғланмаганлигини таҳлил қилиш мумкин. Шунинг учун чизиқли фотогальваник эффект энергиянинг сақланиш қонунини ифодаловчи δ Дирак функцияси билан аниқланади, циркуляр ФГЭ диссипатив жараёнларга боғлиқ эмас.

“Мураккаб валент зонали пьезоэлектрикларда кўп фотонли ютилишнинг чизиқли-циркуляр дихроизми” номли иккинчи бобда куб симметрияли пьезокристалларнинг оғир ва енгил коваклар тармоқлариаро кўп фотонли оптик ўтишлар билан тавсифланадиган ёруғлик ютилиши назарий тадқиқ қилинган: пьезокристалл валент зонаси тармоқлариаро оптик ўтишларнинг матрицавий элементлари, ёруғлик ютилишининг уч ва тўрт фотонли чизиқли циркуляр дихроизми квант механикавий таҳлил қилинган, шунингдек, қутбланган ёруғлик икки ва уч фотонли ютилиш коэффициентининг спектрал ва температуравий боғланишлари келтирилган ва микдорий ҳисоблашлар олиб борилган.

Уч фотонли барча тур оптик ўтишларда  Фейнман диаграммаси билан тавсифланувчи учта алоҳида алоҳида фотоннинг ютилишини, 

диаграммаси орқали ифодаланган дастлаб бир вақтда икки фотон, сўнгра битта фотон ютилишини, шунингдек  диаграмма билан аниқланувчи дастлаб битта, сўнгра бир вақтда иккита фотоннинг ютилишини ҳамда  диаграмма билан тавсифланувчи бир вақтда учта фотоннинг ютилиши эътиборга олинган.  диаграммалар билан аниқланувчи оптик ўтишлар матрицавий элементлари суммаси модули квадратининг коваклар тўлқин вектори фазовий бурчакларига нисбатан ўртачалаштирилганидан сўнг:

чизикли кутбланган ёруғлик учун

$$\left\langle \sum_{m=\pm 3/2; m'=\pm 1/2} |M_{m,m'}^{(3)}|^2 \right\rangle_{linear} = \left(\frac{eA_0}{c\hbar} \right)^6 \left(\frac{B^2 k}{\hbar\omega} \right)^2 \left[21,5 + 4,9 \frac{\hbar\omega}{B^2 k} D' + 0,5 \left(\frac{\hbar\omega D'}{B^2 k} \right)^2 \right], \quad (2)$$


циркуляр кутбланган ёруғлик учун

$$\left\langle \sum_{m=\pm 3/2; m'=\pm 1/2} |M_{m,m'}^{(3)}|^2 \right\rangle_{circ} = \left(\frac{eA_0}{c\hbar} \right)^6 \left(\frac{B^2 k}{\hbar\omega} \right)^2 \left[22,5 + 7,8 \frac{\hbar\omega}{B^2 k} D' + 0,49 \left(\frac{\hbar\omega D'}{B^2 k} \right)^2 \right] \quad (3)$$

муносабатлардан уч фотонли ютилишда бир вақтнинг ўзида уч фотон ютилиши ҳам эътиборга олинса, у ҳолда натижавий чизикли-циркуляр дихроизм коэффициентининг коваклар гамильтонианининг тўлқин вектори кубига пропорционал ҳади олд коэффициенти (D')нинг миқдorigа ва ишорасига боғлиқлиги келиб чиқади. Масалан, p -GaAs учун бу зонавий параметрни мусбат ишорали ва $D' = 3,9 \times 10^{-23} \text{ eV} \cdot \text{sm}^3$ деб ҳисобланса, у ҳолда катталикларнинг қуйидаги: $\lambda = 10,6 \text{ mkm}$ - ёруғликнинг тўлқин узунлиги, гамильтонианининг тўлқин вектори квадратига пропорционал зонавий параметрнинг $B = 5,66 \times 10^{-38} \text{ J} \cdot \text{m}^2$ қийматлари учун $\frac{\hbar\omega}{B^2 k} D'$ нисбат $2,55 \times 10^{-2} \ll 1$

қийматни қабул қилади, бу ерда k - валент зона тармоқлариаро оптик ўтишда қатнашаётган ковак тўлқин вектори. Шундай қилиб, бир вақтда уч фотонли ютилишнинг уч фотонли чизикли-циркуляр дихроизмга берадиган улуши (агар когерентли тўйиниш эффекти эътиборга олинмаса) 6% дан ортмайди. Умуман олганда, чизикли-циркуляр дихроизмга бир вақтда уч фотон ютилиш билан боғлиқ улуш частотанинг камайиши билан орта боради. Хусусан, частота 10%га орттирилса, у ҳолда бу улуш p -GaAs учун камида 15%га ортиши мумкин.

Пьезокристалл валент зонаси тармоқлариаро тўрт фотонли оптик ўтишлар бир неча этапдан иборат эканлигига эътибор қаратилади: биринчи этапда тўртта алоҳида алоҳида фотонлар ютилса, иккинчи этапда иккита алоҳида-алоҳида иккита ва бир вақтда иккита фотон ютилади, учинчи этапда эса бир вақтнинг ўзида иккитадан икки марта фотонлар ютилади, охириги этапда дастлаб битта, сўнгра бир вақтнинг ўзида учта фотон (ва аксинча)

ютилади. Натижада  тур оптик ўтишлар учун қайд қилинган матрицавий элементлар


суммаси модули квадратининг коваклар тўлқин векторининг азимутал ва кутбий бурчакларига нисбатан ўртачалаштириш бажарилса, у ҳолда чизиқли кутбланган ёруғлик учун:

$$\left\langle \sum_{m=\pm 3/2; m'=\pm 1/2} |M_{m,m'}^{(4)}|^2 \right\rangle_{linear} = \left(\frac{eA_0}{c\hbar} \right)^8 \left(\frac{B^2}{\hbar\omega} \right)^2 \left[649 + 96 \frac{\hbar\omega}{B^2 k} D' + 98 \left(\frac{\hbar\omega D'}{B^2 k} \right)^2 \right], \quad (4)$$

циркуляр кутбланган ёруғлик учун эса

$$\left\langle \sum_{m=\pm 3/2; m'=\pm 1/2} |M_{m,m'}^{(4)}|^2 \right\rangle_{circ} = \left(\frac{eA_0}{c\hbar} \right)^8 \left(\frac{B^2}{\hbar\omega} \right)^2 \left[350 + 106 \frac{\hbar\omega}{B^2 k} D' + 94 \left(\frac{\hbar\omega D'}{B^2 k} \right)^2 \right], \quad (5)$$


муносабатларга эга бўламиз. Охириги ифодалардан бир вақтда учта фотон ютилишининг *p-GaAs* ва $\lambda = 10,6 \text{ mkm}$ тўлқин узунлиги учун тўрт фотонли чизиқли циркуляр дихроизм коэффицентига бериладиган улуши 3% тартибида бўлади ва бу улуш коваклар эффектив массаларининг ҳамда частотанинг миқдоран ортиши билан ортиб боради.



1-расм. $\lambda = 10,6 \mu\text{m}$ тўлқин узунликли кутбланган ёруғликнинг *p-GaAs* валент зонаси тармоқлариаро ютилишдаги $K_{circ}^{(N=2)}(T)$ (узлуксиз чизиқ) ҳамда $K_{lin}^{(N=2)}(T)$ нинг (ромблар) икки фотонли (*a* расм) ва $K_{circ}^{(N=3)}(T)$ нинг (узлуксиз чизиқ) ҳамда $K_{lin}^{(N=3)}(T)$ нинг (ромблар) уч фотонли (*b* расм) оптик ўтишлар учун температуравий боғланишлари.

Куб симметрияли ковакли ўтказувчанликли пьезокристаллнинг валент зонаси тармоқлариаро оптик ўтишлар ҳисобига ёруғликнинг икки ($K^{(N=2)}(\omega)$) ва уч ($K^{(N=3)}(\omega)$) фотонли ютилиш коэффицентларининг спектрал боғланишидан (1-расм) кўриняптики, биринчидан, чизиқли кутбланган ёруғлик ютилиш коэффицентининг спектрал боғланишларида фотон

энергиясининг ортиши билан ортиб боради ва максимумга эришади, сўнгра камайиб боради, иккинчидан, икки ва уч фотонли ютилишда чизиқли циркуляр дихроизмнинг (хусусан, спектр максимумида мос келган қиймати 1,4 экани) мавжудлиги, яъни спектрал боғланишларнинг ёруғлик қутбланиш даражасига боғлиқлиги келиб чиқади. Ҳисоблашлар кўрсатадики, температура миқдоран 1,5 марта камайтирилса, у ҳолда $K^{(N=1)}(\omega)$, $K^{(N=2)}(\omega)$ спектрал боғланишлардаги максимал қийматлар тақрибан 1,4 мартага камаяди, $K^{(N=3)}(\omega)$ боғланишда эса ўзгаришсиз қолади. Бир $K^{(N=1)}(\omega)$ ва икки $K^{(N=2)}(\omega)$ фотонли чизиқли қутбланган ёруғликнинг ютилиш коэффициентларини солиштириш мақсадида уларнинг *p-GaAs* валент зонаси тармоқлариаро ютилишидаги спектрал боғланишлари $K^{(N=1)}$ (узлуксиз чизиқ) ва $K^{(N=2)}$ (ромблар) хона температураси ($T=300$ К) учун келтирилди. 2-расмдан кўриняптики, $\xi = \frac{eA_0}{c\hbar} \sqrt{B} = 0,1$ шартда паст частоталар соҳасидагина икки фотонли ютилиш бир фотонли ютилишдан устун бўлади, катта частоталар соҳасида эса аксинчадир.



2-расм. *p-GaAs* валент зонаси тармоқлариаро оптик ўтишлар ҳисобига чизиқли ёруғликнинг бир фотонли $K^{(N=1)}$ (узлуксиз чизиқ) ва икки фотонли $K^{(N=2)}$ (ромблар) ютилиш коэффициентларининг спектрал боғланишлари, $T=300$ К.

“Пьезоэлектрикларда икки фотонли баллистик ток” номли учинчи бобда ёруғликнинг ночизиқли ютилишида содир бўладиган қутбий фотогальваник эффектларнинг квант механикавий таҳлиллари қаралган. Фототок икки зона (ёки зонача)ларнинг тартиб рақамига нисбатан диагонал ва нодиагонал улушлари билан аниқланади, яъни

$$\vec{j}_{бал} = -e \sum_{n\vec{k}} \vec{V}_{n\vec{k}} f_{n\vec{k}}, \quad \vec{j}_{силж} = -e \sum_{n \neq n', \vec{k}} \vec{V}_{n'n}(\vec{k}) \rho_{nn'}(\vec{k}), \quad (6)$$

бу ерда e -элементар заряд (коваклар учун $e > 0$, электронлар учун $e < 0$), $\rho_{m'n'}(\vec{k})$ ва $\vec{V}_{n'n}(\vec{k})$ -зичлик матрицаси ва тезлик операторининг матрицавий элементи, $\vec{V}_{n\vec{k}} = \hbar^{-1} \vec{\nabla}_{\vec{k}} E_{n\vec{k}}$ - n зонадаги \vec{k} тўлқин векторли электроннинг гуруҳли тезлиги, $\rho_{m'}(\vec{k}) = f_{n\vec{k}}$ - генерация, сочилиш ва рекомбинация жараёнлари билан аниқланувчи номувозанатдаги стационар тақсимот функцияси, n ва n' мураккаб зона учун зоначаларининг, тусланган зонали кристалларда эса зона тусланган ҳолатларининг тартиб рақами.

(б)нинг диагонал улуши ёруғлик ҳисобига индуцирланган асимметриявий тақсимот функция билан аниқланади ва у баллистик улуш деб номланади. Нодиагонал улуш эса эркин ток ташувчиларнинг ҳар бир квант ўтишларида реал фазода силжиши билан боғланган, у силжишли улуш деб аталади.


Ташқи ўзгармас электр майдони ва фазовий бир жинслилик бўлмаганида, симметрия маркази бўлмаган мураккаб зонали пьезокристалларда қутбланган ёруғликнинг икки фотонли ютилиши ҳисобига генерацияланувчи доимий ток билан тавсифланувчи икки фотонли қутбий ФГЭни қарайлик. Бу ҳолда икки фотоннинг кетма-кет ва бир вақтда ютилишини эътиборга оламиз (3-расм).

Қутбий фототокнинг физикавий табиати, юқорида қайд қилинганидек, кристаллнинг симметрияси, хусусан, унда симметрия марказининг бўлмаслиги билан аниқланади, чунки бундай кристалларда айнан мувозанат принципи ҳар доим ҳам бажарилавермайди. Натижада муҳитдаги номувозанатли стационар ҳолат ундаги квазизарралар, масалан, фотоуйғотилган ток ташувчилар оқимининг пайдо бўлишига олиб келади.

Табиатан қутбий фототок электронларнинг фонон, фотон ёки кристалл структурасининг бошқа тур бузилишлари билан асимметриявий ўзаро таъсири, икки фотонли оптик ўтишлар эҳтимоллигининг асимметриявий қисми $W_{n'\vec{k}', n\vec{k}}^{(2, ass)}$ билан аниқланади. $W_{n'\vec{k}', n\vec{k}}^{(2, ass)}$ катталиқка улушни иккита учинчи тартибли, биринчи ва бешинчи тартибли, иккинчи ва тўртинчи тартибли матрицавий элементларнинг интерференцияси беради. Бу ҳолда баллистик чизиқли ФГЭ нафақат охириги ва бошланғич ҳолатлар учун, балки бошланғич ва оралиқ ҳолатларнинг биттасини ўз ичига олган энергия сақланиш қонуни бажарилганида содир бўлади. Мос ҳолда баллистик чизиқли ФГЭ токига 3-расмда тасвирланган уч хил тур оптик ўтишлар ўз улушларини беради. 3-расмдан кўриняптики, чизиқли ФГЭ биринчи ва бешинчи (c канал) тартибли, реал фонон иштирок этадиган (b канал) ва иштирок этмайдиган (a канал) иккинчи ва тўртинчи тартибли жараёнларнинг интерференцияси туфайли содир бўлади.


Пьезокристалларда ёруғликнинг икки фотонли ютилишида баллистик чизиқли ФГЭ, бир фотонли яқинлашишидаги каби, ҳар бири электрон-фонон ва электрон-фотон ўзаро таъсир операторларининг матрицавий элементлари

кўпайтмасининг мавҳум ҳади билан аниқланувчи $\Phi_i(\vec{k}, \vec{k}')$ функциялар билан ифодаланди. Бунда аниқ бир тартибда олинган ўзаро таъсир операторлари матрицавий элементларнинг пастки индекслари m, n, l қаралаётган зонанинг зоначаси (тармоғи)га тегишли тартиб рақамларига тенг деб ҳисоблаш зарур. Масалан, $p-GaAs$ тур пьезокристаллнинг валент зонаси учун $m, n, l = 1, 2$. Таъкидлаймизки, бундай функциялар билан бир қаторда уларда $M_{2\vec{k}, 1\vec{k}}^{(2)} \rightarrow \sum \frac{M_{2\vec{k}, l\vec{k}}^{(1)} M_{l\vec{k}, 1\vec{k}}^{(1)}}{E_{l\vec{k}} - E_{1\vec{k}} - i0}$ алмаштириш билан аниқланувчи функциялар ҳам мавжуддир. Хусусан, $p-GaAs$ учун ёруғликнинг икки фотонли ютилишида фотоуйғотилган ковакларнинг тўлқин вектори: $k_\omega = \sqrt{2\mu\omega/\hbar}$, оғир (енгил) ковакларнинг энергияси: $E_{hh(lh)}^* = \frac{2m_{lh(hh)}}{m_{hh} - m_{lh}} \hbar\omega$, $m_{hh} = m_1 (m_{lh} = m_2)$ - оғир (енгил) ковакларнинг эффектив массаси, бу ҳолда ковакларнинг сферик энергиявий спектри танланган. У ҳолда валент зонасидаги ковакларнинг тармоқлариаро оптик ўтишларнинг табиати (тури)га қараб оралик ҳолатлардаги ковакларнинг энергияси ҳар хил бўлиши аниқланган.




3-расм. Интерференцияси пьезокристалларда икки фотонли кутбий фотогальваник эффектга олиб келувчи Фейнман-Келдыш диаграммалари. Узлуксиз чизик – электрон ёки ковак, тўлқинли чизик – фотон, штрихли чизик – фонон.

Оралик ҳолатлардаги ковакларнинг тўлқин векторлари охири муносабатлар ёрдамида уларда $m_{hh} \rightarrow m_{lh}$ алмаштириш билан аниқланади. Таъкидлаш жоизки, ковакларнинг энергияси $\hbar\Omega$ дан кичик бўлган частоталар соҳасида узатилиши билан (агар руҳсат этилган бўлса) боғлиқ бўлган жараёнлар баллистик чизикли ФГЭ токига улуш бермайди. Масалан, $p-GaAs$ пьезокристаллда чексиз оғир коваклар яқинлашишида




d') диаграммалар билан ифодаланувчи жараёнларнинг бир қисми фототокка ўз улушини бермайди.

Шуни қайд қилиш ўринлики, 4-расмда икки фотонли оптик ўтишлар бир фотонли оптик ўтишлар билан алмаштирилган ҳол тасвирланган. Бу ҳолда асимметриявий сочилиш эҳтимоллигида электрон-фотон ва электрон-фонон ўзаро таъсир операторлари эътиборга олинган ҳолда бир фотонли баллистик фототокнинг спектрал ва температуравий боғланишлари ҳисобланди. 5-расмда *p-GaAs* валент зонасининг тармоқлариаро оптик ўтишларга асосланган ҳолда 117 meV энергияли фотон учун қайд қилинган $\chi_{xyz}/(pI)$ катталиққа нисбатан ҳисобланган температуравий боғланиши тасвирланган, бу ерда χ_{xyz} - фотогальваник эффект тензори, p - коваклар концентрацияси. Бу расмдан кўриняптики, реал фотонлар ва виртуал фононлар (1-чизик) ҳамда реал фононлар ва виртуал фотонлар (2-чизик) иштирок этган оптик ўтишлар улушлари мусбат ишорали реал фотон ва фононлар (3-чизик) иштирок этган оптик ўтишлар улуши манфий қийматлидир, яъни реал фотон ва фононлар иштирокида ковакларнинг асимметриявий сочилишида содир бўладиган фототок қолган тип оптик ўтишларда содир бўладиган фототокка тескари йўналган. Натижавий баллистик фототок мусбат қийматлидир. χ_{xyz} нинг назарий температуравий боғланиши 6-расмда тасвирланган бўлиб, CO_2 -лазер билан ёритилган *p-GaAs* пьезокристаллда $\hbar\omega = 117 \text{ meV}$ энергияли фотон учун кузатилган эксперимент натижалари билан солиштирилган. Миқдорий ҳисоблашларда қуйидаги катталиқлар танланган: $m_2 = 0,068m_0$ ва $m_1 = 0,12m_0$ - енгил ва оғир коваклар эффектив массалари, $C = e\Omega_{LO} \sqrt{\frac{4\pi\rho}{\epsilon^*}}$ - фрелих электрон-фонон ўзаро таъсир доимийлиги $\epsilon^{*-1} = \epsilon_\infty^{-1} - \epsilon_0^{-1}$, ϵ_0 ва ϵ_∞ - статик ва юқори частотали диэлектрик киритувчанлик, d_0 - деформациявий электрон-фонон ўзаро таъсир доимийлиги, $d_0 a_0 = 48 \text{ eV}$ (a_0 - кристалл панжара доимийлиги), $\hbar\Omega_{LO} = 36 \text{ meV}$ - оптик фонон энергияси.



4-расм. Интерференцияси мураккаб зонали яримўтказгичларда чизикли фотогальваник эффектга олиб келувчи Фейнман-Келдыш диаграммалари. Узлуксиз чизик – электрон (ковак), тўлқинли чизик – фотон, штрихли чизик – фонон.



5-расм. p -GaAs валент зонасининг тармоқлариаро оптик ўтишларга асосланган ҳолда 117 meV энергияли фотон учун қайд қилинган $\chi_{xyz}/(p \cdot I)$ катталиқнинг температуравий боғланиши, бу ерда p – коваклар концентрацияси, χ_{xyz} – чизиқли фотогальваник тензор.

“Тетраэдр симметрияли пьезокристалларда спинга боғлиқ ўлчамли квантлашиш” номли тўртинчи бобда тетраэдр симметрияли яримўтказгичларда электронлар энергетик спектрининг спинга боғлиқ ўлчамли квантлашиши тадқиқ қилинган. Электронлар энергетик спектрининг ўлчамли квантлашишини тадқиқ қилишда уларнинг кинетик энергияларини тавсифий энергиялардан миқдоран кичик деб ҳисобланган. Бу ҳолда l тартиб рақамли қатламдаги ўлчамли квантлашиш эффеќтини ҳисоблаш имконини берувчи гамилтониан қуйидагича кўринишга эга:

